

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Методик ишларни мувофиқлаштириш бўлими
Б.М.Саидов

*Умумий ўрта таълим муассасаларига методик
хизмат кўрсатиши.
(Методик тавсия)*

Урганч-2006 йил.

Тузувчи: Б.М.Саидов

Такризчилар: Институт профессори, Педагогика,
психология мактабгача тарбия ва бошланғич таълим
кафедраси мудири

Т.Сотлиқов

Урганч тумани методика кабинети мудири

Р.Саидов

*Мазкур тавсияда методик хизмат кўрсатиш
жойларда қандай таъкил этилади, амалий
тавсиялар баён қилинган.*

*Тавсияларни мавжуд шароитдан келиб чиққан
ҳолда ижодий ёндошиб фойдаланиш, жорий қилиш,
ўзгартиришлар ва янгиликларни қўйиш мумкин.*

*Институтнинг 2006 йил март ойидаги - Илмий
кенгашида № 2 баённомасига асосан чоп қилишга
тавсия этилган.*

**Умумий ўрта таълим муассасаларига методик хизмат
кўрсатиш
(Методик тавсия)**

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастури” асосида таълим самарадорлигини таъминлаш, таълим мазмунини бойитиш такомиллаштирилган ДТС ва янги таҳрирдаги ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш ишлари қизғин паллага кираётган пайтда ўқитувчиларга кўрсатилаётган методик хизмат доираси қандай аҳволда, уни яхшилашга диққат эътибор қаратилмоқдами? Бундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қандай вазифаларни бажаришимиз зарур.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатиш етарли даражада эмаслиги яққол сезилиб турмоқда. Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, мустақил ўқишлари учун талаб кучаймоқда. Бу уларнинг фикрлаш доираси кенгайишига, вақтнинг тежалишига, ижодий қобилиятининг ривожланишига замин яратади.

Методик хизмат-таълим мазмунини ташкил қилувчи бош омилдир.

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқ. Билимни мустақил ўзлаштириш эса унинг шахсиятини мустаҳкамлайди. Ўқитувчининг ҳақиқий йўли бу жараёнда фаол

билим олиш ва малака оширишдир. Ўқитувчининг мустақиллик ҳолатига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига доир тегишли маълумотга, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши ва баҳолай олиши, ўрганиши, педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Методик хизмат кўрсатиш жараёнида туман (шаҳар) методика кабинетлари муҳим роль ўйнайди. Методика кабинетлари туман (шаҳар) даги барча методик ишларни бири-бирига мувофиқлаштиради, янги илғор педагогик ҳолатларни, тажрибаларни умумлаштиради, танлайди, тарғибот қилади ва ҳаётга татбиқ этади. Таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтайди. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси ХТВ, Республика Таълим Маркази билан ҳамкорликда тайёрлаган “Методика кабинетини ишини ташкил этиш” тавсияси яратилиб, 2004-2005 ўқув йилида вилоятимизнинг барча туман (шаҳар) лари ХТВ ларига етказилган. Унда методика кабинетининг вазифалари аниқ ва мукаммал баён қилинган. Методика кабинетини ходимларини кўп йиллик иш стажига эга, олий тоифали, ўз фанининг фидойиси ҳисобланган малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим бўғин ҳисобланади. Методика кабинетини ходимлари барча фан йўналишлари бўйича мактаблар метод бирлашмаси ва шаҳобчалар ишини ташкил қилиш, улар фаолиятига раҳбарлик

қилиш, илғор педагог тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш ва ахборот банкини ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш ишларини режалаштириш, назорат қилиш, иқтидорли болалар билан ишлаш, уларни фан олимпиадаларига тайёрлаш, тажриба-синов майдончаларидаги ишларга бевосита раҳарлик қилиш, ҳисоботларни тайёрлаш, “Йил ўқитувчиси”, “Энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йил тарбиячиси” кўрик танловларда фаол иштирок қилиш, матбуот орқали таълим соҳасидаги янгиликларни ўрганиш ва оммалаштириш, турли хил ўқув ва амалий семинар кенгашлар, практикумларни мунтазам ўтказиш таълим муассасаларига янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурлари бўйича ўтказилаётган синов ишлари жараёнида фаол қатнашишлари керак, методик ишларда илмий изланишларга асосланиб амалиётда илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, тарғибот ишларида фаол бўлишлари зарур.

Улар узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар, ўқув-семинарлари, конференциялар, фанлар бўйича олимпиадалар, хотира турнирлари, иқтидорли ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтадиган беллашувларни мунтазам ўтказилиб борилишига бош-қош бўлишлари керак. Методика кабинети фаолияти кўп қиррали ва мураккаб жараён ҳисобланиб, ҳар бир мутахассис ходимнинг иш қобилиятини ҳисобга олиб бажариладиган ишлар тақсимотини тўғри ташкил қилишни режалаштиради.

Методика кабинети мудири методистлар билан ҳамкорликда туманда (шаҳар) барча таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатади, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга йўналтирилган барча методик тадбирларни бошқаради, методик тавсия, хат ва буйруқларни ўз жойларига етиб боришига маъсулдир. Ходимларнинг малакасини ошириш, методика кабинетининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур шароит яратади, меҳнат тўғрисидаги қонунга, меҳнат ички тартиб-қоидаларига ва методика кабинети тўғрисидаги Низомга мувофиқ методистларнинг вазифалари доирасини белгилайди, иш тақсимлайди ва назорат қилиб боради. Фанлар билан шуғулланувчи методистлар методик хатлар, ХТВ нинг буйруқ ва фармойишлари, фанларга доир, педагогик психологик ютуқлар, янги методик адабиётлар, Халқ таълими тизимидаги ўзгаришларни етказиши туман (шаҳар) миқёсида семинарлар, амалий тадбирлар, ижодий гуруҳлар билан ишлашни турли хил кўрик танловлар, ўқитувчилар учун кўргазмалар ташкил қилиш, “Ёш мутахассислар мактаби фаолияти, мактабларнинг фанлар бўйича метод бирлашмалари ишини, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришига, фан асосларининг ўқитилиши, имтиҳонлар ва олимпиада аттестация ишларига, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, уни тарғибот қилишни, илғор педагогик тажриба картотекаси юргизилишига масъул бўлиб, уларни матбуот, радио ва телевиденияда ёритишни амалга оширишлари зарур, малака ошириш масалалари, фан ўқитувчилари билан амалга

ошириладиган методик ишлар бўйича материаллар, ҳужжатлар тўплаш ва ҳисоботлар тайёрлашни амалга оширади.

Шу билан бирга Халқ таълими тизими соҳасидаги янгиликларни, янги илмий ва методик адабиётларни, мажмуаларни ўқитувчиларга етказишда масъулдир.

Улар таълим муассасаларини методик адабиётлар билан таъминлаш, педагог-ҳодимларнинг услубий материаллар тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятини, методик хизмат кўрсатиш самарадорлиги даражасини белгилашда фан олимпиадаларнинг натижаларини яхшилаш, ўтказилаётган танловлар, “Йил ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси “Йил тарбичиси”, “Энг зукко истеъмолчи”, “Истеъдодларни излаймиз” вилоят ва республика кўрик танловлари ўтказилишида фаол қатнашишлари зарур, шу билан биргаликда ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш методик хат ва тавсиялар ёзиш ўз фанига доир инновацион усуллар ва ДТС ни бажаришга доир узлуксиз методик хизматни қилиш, мақсадли намунавий (очик) дарслар уюштириш, фан ўқитувчиларининг малака ошириш бўйича истиқбол режаси ва картатекасини тузиш, тажриба-синов ишлари бўйича таҳлиллар қилиш ва ҳисоботларни тайёрлашлари лозим.

Шунингдек кутубхона бўйича ишлайдиган методист қуйидаги вазифаларни бажариши ва амалий ёрдамлар уюштириши лозим:

- мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар кутубхоначиларига методик ёрдам кўрсатиш;

- туман (шаҳар) кутубхоначилари мактаб бирлашмаси ишларини режалаштириш ишларини ўрганиш ва назорат қилиш, мактабларни дарслик, методик ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш кутубхоналар кўрик танловини ўтказиш;
- мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг кутубхона фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш,
- энг яхши кутубхоначиларнинг илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- янги методик адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш, ўз устида мустақил ишлаш бўйича фойдаланаётган адабиётлар рўйхатини тузиш, тўлдириб бориш;
- Кутубхоналар иш фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар ёзиш ва ҳоказо.
- Мактаб кутубхоналарини дарслик, ўқув-методик адабиётлар, мавзулар бўйича картатекалар, халқ таълими бўйича расмий ҳужжатлар, методик хатлар, газета ва журналлардаги соҳага оид мақолаларни йиғиш, таҳлил қилиш;
- Кутубхоначиларга махсус жадвал асосида консультация (маслаҳат) лар бериш ва кутубхоначиларнинг малака оширишларнинг истиқбол режасини ва картатекасини тузиш;
- Метод хизматни янада яхшилаш учун туман (шаҳар) методика кабинети қошида ташкил қилинадиган фанлар бўйича шаҳоб метод бирлашмалари фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигига эришиш, таянч мактаблар фаолиятини кучайтириш, тажриба-синов майдончаларида олиб борилаётган ишлар мазмунини янада бойитиш, уларни метод хизмат

кўрсатувчи таянч марказига айлантириш, ижодкор, изланувчан ўқитувчи, педагогларнинг фаолиятини ўрганиш, оммалаштириш, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, мустақил ўқишлари учун талабни кучайтириш, ОАВ да кўплаб чиқишлар қилиш, илмий-амалий семинарлар практикумлар каби машғулотларни кўплаб ўтказишлари тайёрланган методик тавсиялар, хатлар, йўриқномалар жамланмасининг сифатли бўлишига эришишлари муҳим вазифалардан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармони 2004 йил 21.05. 34-31 сонли.
2. Умумий ўрта таълимнинг янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари. “Маърифат газетаси”2005 йил 7-12 сентябр сонлари.
- 3.Халқ таълими журнали -2005 й 5-6 сонлари.
4. “Таълим тараққиёти” журнали 2005 й 1-2 сонлар.
5. “Узлуксиз таълим” журнал 2004 й №4, 2005 й 1-4 сонлари.
- 6.И.Маннапова, М.Абдураимова Методика кабенети ишини ташкил этиш”. (Тавсиялар) Тошкент 2003 йил.
7. “Маърифат газетаси” 2005 йил 15 октябр сони (№ 66)
8. “Маърифат газетаси” 2006 йил. 8,18 феврал (11,14 сонлари).

